

Ҳ У К М ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2021 йил декабрь ойининг 15-куни жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Дўстлик туманидаги “А.Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи Л.Мамаражабов, судья ёрдамчиси З.Худайбердиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Дўстлик туман прокурори ўринбосари Э.Исломов ва судланувчининг ҳимоячиси Дўстлик туманидаги “REAL ISHONCH” адвокатлик бюроси адвокати М.Худаяровларнинг иштирокида, Ш. исмли шахсга оид 1-1306-2101/56-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судда аниқланишича:

Ш. исмли шахс, 1999 йил 5 июлда Жиззах вилояти Дўстлик туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, Дўстлик туманидаги “Сифат тола” фермер хўжалиги раиси бўлиб ишлайди, муқаддам судланмаган, Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, “А.Навоий” МФЙ, Янгиҳаёт маҳалласи, 38-намунали уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасининг нусхасини 2021 йил 2 декабрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 219-моддаси 1-қисми ва 227-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд иш ҳужжатлари билан атрофлича танишиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини ҳамда томонлар музокарасини тинглаб, жиноят ишидаги далилларни ўрганиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ш. исмли шахс, ўз хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиш ҳамда ички ишлар идорасининг қатъий ҳисобида турувчи ускуна ва ҳужжатларни ғаразгўйлик ниятида эгаллаш жиноятларини қуйидаги ҳолатда содир қилган.

Хусусан, Ш. исмли шахс 2021 йил 16 октябрь куни соат 11:30ларда, Дўстлик тумани “Мевазор” МФЙ ҳудудидаги “Саритепа-Дўстлик” йўналишида ўз хизмат фаолиятини олиб бориши давомида унинг акаси С. исмли шахснинг бошқарувидаги “Nexia-2” русумли, 25P 428 GA давлат рақамли автомашинани тўхтатиб, С. исмли шахснинг автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа тегишли ҳужжатлари бўлмаганлиги сабабли автомашинани ҳамкасблари О. исмли



шахс ва А. исмли шахслар билан бирга Дўстлик тумани худудидаги “Авто-майдон” МЧЖга қарашли жарима майдончасига олиб борган Жиззах вилоят ИИБ ЙҲХБ АЙПХО 2-сафарбарлик гуруҳи катта инспектори Ж. исмли шахснинг қонуний фаолиятига яъни, автомашинани жарима майдончасига жойлаштиришига ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришига фаол қаршилиқ кўрсатиб, унга акаси С. исмли шахснинг ҳайдовчилик гувоҳномаси уйда қолиб кетганини, гувоҳномани олиб келиб кўрсатишини, шундан сўнг акасига ўзи айтган жаримани қўйиб беришини айтиб, Ж. исмли шахсдан ҳолат юзасидан расмийлаштирган маъмурий баённомасини беришини талаб қилиб, унга нисбатан жисмоний куч ишлатиб, бўйин соҳасидан ушлаб тортиб енгил тан жароҳати етказиб, кейин ундан хизмат кийимидаги “body camera”сини ҳамда акаси С. исмли шахсга нисбатан тузилган “UZ-20-серияли ва 25-108189-рақамли маъмурий баённома”ни ғаразгўйлик ниятида яъни, ўз айбини яшириш мақсадида мажбуран тортиб олиб қўйган.

Судланувчи Ш. исмли шахс судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, Дўстлик тумани Навбахор ФХХУга худудидаги “Сифат тола” фермер хўжалиги раиси лавозимида ишлаб келишини, 16.10.2021 йил куни у ўзининг “Сифат тола” фермер хўжалиги ер майдонидан отаси Н. исмли шахсга тегишли бўлган “Нехиа-2” русумли давлат рақами 25Р 428 ГА рақамли автомашинани акаси С. исмли шахс томонидан автомашинани бошқариш учун ҳужжатлари уйда қолиб кетганлиги сабабли бошқариб келаётган вақтида, вилоят ЙҲХБ ходимлари яъни Ж. исмли шахс томонидан тўхтатилиб, ундан автомашинани бошқариш учун керакли бўлган ҳужжатлари сўраганда, акаси С. исмли шахс ушбу ҳужжатларини уйда қолганлигини, уларни об келиб кўрсатиши мумкунлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг акаси С. исмли шахсга вилоят ЙҲХБ ходимлари мазкур автомашинани жарима майдончасига қўйишлигини, акаси С. исмли шахс эса оилавий сабабларга кўра уйга шошилаётганлигини, мазкур автомашина унга тегишли эмаслиги сабабли ушбу машинани эгаси яни у келиши кераклигини айтганлигини, шунда ЙҲХБ ходимлари акаси С. исмли шахсни машинанинг олд қисми йўловчи ўриндиғига ўтиргизиб Дўстлик туманида жойлашган автомобиллар жарима майдончаси дарвозаси олдида олиб боришганлигини, шу орада унга акаси С. исмли шахс қўнғироқ қилиб автомашинаси жарима майдончасига олиб борилаётганлигини, ЙҲХБ ходимлари билан ўзи гаплашиб уларга вазиятни тушунтириши кераклигини маълум қилганлигини ва улардан бир нафари билан телефон орқали гаплаштирганда, ўзини вилоят ИИБ ЙҲХБ ходими Ж. исмли шахс деб таништирганлигини, шунда унга автомашинани жарима майдончасига қўймасдан туришлиги лозимлигини, керакли ҳужжатларини олиб бориб кўрсатишини айтганлигини, орадан бир оз вақт ўтганидан сўнг у Дўстлик туманида жойлашган “Авто-майдон” МЧЖга қарашли жарима майдончаси олдида борганлигини ва у ерда ЙҲХБ ходимларига “нима сабабдан автомашинани жарима майдончасига олиб кириб қўйдиларинг, ахир машинанинг барча ҳужжатлари борку” деганида, ЙҲХБ ходими



Ж. исмли шахс унга “сен кимсан ўзи” деганлигини, шунда у Ж. исмли шахсга ўзини таништириб, акаси С. исмли шахсга расмийлаштирилган маъмурий баённомани кўрганлигини, кейин ЙХХБ ходимларига автомашинасини жарима майдончасидан олиб чиқиб кетишини ва баённомага ҳам ўзи имзо қўйишини айтганлигини, шунда Ж. исмли шахс унга бундай қилаолмаслигини айтиб, акаси С. исмли шахсга баённомага имзо қўйдирганлигини, шундан сўнг у ЙХХБ ходимларидан қандай қилиб машинасини жарима майдончасидан олиб чиқиб кетишини сўраганида, ЙХХБ ходимлари жарима тўловларини амалга оширганидан сўнг олиб чиқиши мумкинлигини айтишганлигини, кейин у ЙХХБ ходимларидан дислокациясини сўраганида, улар дислокация фақат ҳайдовчиларга кўрсатилишини айтганлигини, шундан кейин ЙХХБ ходими Ж. исмли шахс автомашинасини жарима майдончасига киритмоқчи бўлганида, жахл устида унга қаршилиқ қилиб, унинг қўлидан ушлаб тортиб силтаб, қўлидаги маъмурий баённомани ва хизмат қийимида турган “боде камера”сини тортиб олиб ўзининг чўнтагига солиб кўйганлигини, шунда ЙХХБ ходимлари унга бу ҳаракатлари учун қонунда жавобгарлик белгиланганлиги тўғрисида айтишганлигини, шундай бўлсада у автомашинасини жарима майдончасидан олиб чиқиб кетиш мақсадида уларга қаршилиб қилиб, ўзи билмаган ҳолда ЙХХБ ходими Ж. исмли шахсга тан жароҳати етказиб кўйганлигини, кейин шу орада ҳодиса жойига туман ИИБ ЙХХБ ходими З. исмли шахс ва навбатчилик қисим ходимлари етиб келишганлигини, кейин прокуратура ходимлари ҳам келишганлигини ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганлигини, ҳозирда ўз айбини тўлиқ англаб етганлигини ва қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини, келгусида бундай жиноятларга қайтиб қўл урмаслигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Ж. исмли шахс судда, Жиззах вилоят ИИБ ЙХХБ АЙПХО 2-сафарбарлик гуруҳи катта инспектори лавозимида ишлаб келишини, вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғининг “01.10.2021 йилдан 30.10.2021 йилга қадар М-39 йўли, Манас-14 ЙПХ маскани, “Жиззах-Гагарин” йўлининг Дўстлик тумани, дарвозасидан Дўстлик шаҳарчасига кириш чегарасигача (канал кўпригигача) пост маркази Дўстлик шаҳрнинг МФЙ ички йўлларида хизмат олиб бориш ҳақида”ги 51-сонли дислокацияси бўйича хизматга жалб қилинганлигини, 2021 йил 16 октябрь куни ҳар доимгидек эрталабки йўриқномадан сўнг Дўстлик туманининг ҳудудига белгиланган вазифаларни бажариш учун ҳамкасблари О. исмли шахс ва А. исмли шахслар билан бирга етиб келганлигини ва соат тахминан 09:00ларда Дўстлик тумани, Саноатчилар МФЙ ҳудудидаги Қ.Рахимов ФХХУга кетиш йўлида хизмат вазифаларини ўтаётга пайтларида, соат тахминан 11:30ларда йўлда ҳаракатланиб келаётган “Нексия-2” русумли, давлат рақами 25Р 428 GA бўлган автомашина тўхтатиб текшириб кўрганида, автомашина ҳайдовчисининг ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа тегишли ҳужжатлари йўқлиги аниқланганлигини, шундан сўнг ҳайдовчининг шахсини унинг хизмат гувоҳномасидан аниқлаганидан кейин унга автомашинани



бошқариши учун тегишли хужжатлари йўқлиги сабабли автомашинаси жарима майдончасига қўйилиши кераклигини, унинг ўзи билан биргаликда автомашинасини жарима майдончасига олиб боришини ёки эвакуатор чақиришини айтганлигини, шунда автомашина ҳайдовчиси С. исмли шахс ўзи билан бирга олиб боришга рози бўлганидан сўнг унинг автомашинасини ўзи бошқариб, ҳайдовчи С. исмли шахсни ён томонига ўтказиб, автомашинани Дўстлик шаҳрида жойлашга “Авто-майдон” МЧЖга тегишли жарима майдончасига олиб борганлигини, йўлда С. исмли шахс Ш. исмли укасига қўнғироқ қилиб, унга укаси билан гаплашишини айтганлигини, шунда у гаплашмаслигини айтганидан сўнг С. исмли шахс телефонини баланд овозга қўйганлигини ва С. исмли шахснинг укаси телефонда унга акасининг ҳамма хужжатлари борлигини, автомашинасини жарима майдончасига қўймай туришини айтганлигини, шунда у С. исмли шахснинг укасига хужжатлари бўлса олиб келишини, машинасини жарима майдонига олиб кирмай туришини айтиб, машинани жарима майдони олдига олиб борганлигини, у ерда С. исмли шахс унга қаршилиқ қилиб, машинанинг калитини олиб қўйиб, турли баҳоналар билан калитни бермасдан қочиб юрганлигини, кейин у ҳамкасблари О. исмли шахс ва А. исмли шахсларни чақирганлигини, шундан сўнг С. исмли шахсдан бир амаллаб калитни қайтариб олиб. машинани жарима майдончасига олиб кирганлигини, кейин С. исмли шахсга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 135-моддаси 1-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирганлигини, аммо С. исмли шахс баённомага имзо қўйишдан бош тортганидан сўнг бу ҳақида далолтнома тузаётганида С. исмли шахснинг укаси Ш. исмли шахс кириб келиб, ундан нима сабабдан автомашинасини жарима майдончасига қўйганини сўраганлигини, шунда у Ш. исмли шахсга акасининг ёнида хужжатлари бўлмаганлиги сабабли автомашинаси жарима майдончасига олиб келинганлигини тушунтириб, автомашинани жарима майдонига жойлаштириш учун тегишли хужжатларни ҳамда маъмурий баённомани расмийлаштираётганида Ш. исмли шахс унинг чап қўлидан ушлаб тортиб, унинг ёзишига қаршилиқ қилиб, кейин бўйнидан ушлаб буғиб, қўлидаги маъмурий баённомани ва хизмат қийимидаги “боде камера”сини тортиб юлиб олиб қўйганлигини, шунда у ва шериклари О. исмли шахс ҳамда А. исмли шахслар Ш. исмли шахсга бу ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкинлигини айтишларига қарамасдан, у баённомани ва “боде камера”ни қайтариб бермасдан чўнтагига солиб қўйганлигини, шундан кейин уларнинг чақирувига кўра ҳодиса жойига туман ИИБ ЙҲХБ ҳодими З. исмли шахс ва навбатчилик қисим ҳодимлари етиб келишганлигини, кейин прокуратура ходимлари ҳам келишганлигини ва ҳолат бўйича тегишли хужжатларни расмийлаштиришганлигини, ҳозирда Ш. исмли шахс қилмишидан пушаймон бўлиб ундан кечирим сўраганлиги сабабли уни кечирганлигини, Ш. исмли шахсга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, суддан Ш. исмли шахсга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўрашлигини баён қилди.



Гувоҳ А. исмли шахс ва О. исмли шахслар ҳам судда, воқеа тафсилотлари ҳақида худди жабрланувчи Ж. исмли шахснинг кўрсатувиغا ўхшаш мазмунда кўрсатув бердилар.

Судланувчи Ш. исмли шахснинг содир қилган жинояти, юқоридаги кўрсатувлардан ташқари, жиноят ишидаги гувоҳ С. исмли шахс ва Ў. исмли шахсларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳақидаги, СД дискда бўлган видеолавҳани кўздан кечириш ҳақидаги баённомалар, С. исмли шахсга нисбатан тузилган UZ-20-серияли ва 25-108189-рақамли маъмурий баённома, судга оид тиббиёт экспертизаси хулосалари, хизмат текшируви хулосаси, Жиззах вилоят ИИБ ЙҚХБ ходимларининг хизмат ўташ ҳудуди Жиззах вилояти Дўстлик туман ҳудудига бириктириш дислокацияси, дастлабки тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомалари, далолатномалар, билдиргилар, маълумотномалар ҳамда бошқа далиллар билан исботланган.

Суд иш ҳолатларини муҳокама қилиб, Ш. исмли шахснинг содир этган жинояти дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 219-моддаси 1-қисми ва 227-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди ҳамда унга жазо тайинлашда айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчи Ж. исмли шахснинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам уни ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, унга жинойий ҳаракати квалификация қилинган моддалар санкциясида белгиланган жазолардан ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлашни ҳамда бу тайинланган жазоларни Жиноят кодексининг 59-моддаси 2-қисмига асосан қисман қўшиб, жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далиллар деб эътироф этилиб жиноят ишига қўшилган ҳодиса жараёни тасвирлари ёзиб олинган 3 дона DVD дискларни, С. исмли шахсга нисбатан тузилган UZ-20-серияли ва 25-108189-рақамли маъмурий баённомани ҳамда Ж. исмли шахснинг олган тан жароҳати юзасидан берилган суд-тиббиёт экспертизаси хулосасини жиноят ишида сақлашни лозим топди.

Бундан ташқари, суд жабрланувчи Ж. исмли шахснинг моддий ва маънавий зарарларни ундириш хусусида судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини инobatга олиб, ишнинг бу қисмини муҳокамадан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468 ва 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ :

Ш. исмли шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 219-моддаси 1-қисми ва 227-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Ш. исмли шахсга нисбатан:



- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 219-моддаси 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин;

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддаси 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ш. исмли шахсга нисбатан тайинланган жазолар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси 2-қисмига асосан қисман қўшилиб, узил-кесил ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 3 (уч) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо, маҳкумнинг ўз иш жойида ўтатирилсин ва жазо муддати маҳкум ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазонинг ижросини назорат қилиш Дўстлик туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклансин.

Ш. исмли шахсга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин, гаровга қўйилган ва ҳозирда Дўстлик туманидаги “Авто-майдон” МЧЖга қаршли жарима майдончасида сақланаётган қиймати 48.026.000 сўмлик “Nexia-2” русумли, 25P 428 GA давлат рақамли автомашина гаровга қўювчи Н. исмли шахсга қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далиллар деб эътироф этилиб жиноят ишига қўшилган ҳодиса жараёни тасвирлари ёзиб олинган 3 дона DVD дисклар, С. исмли шахсга нисбатан тузилган UZ-20-серияли ва 25-108189-рақамли маъмурий баённома ҳамда Ж. исмли шахснинг олган тан жароҳати юзасидан берилган суд-тиббий экспертизаси хулосаси жиноят ишида сақлансин.

Жабрланувчи Ж. исмли шахснинг моддий ва маънавий зарарларни ундириш хусусида судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олиниб, ишнинг бу қисми муҳокамадан қолдирилсин.

Ҳукмдан норози томонларга ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчига ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи:

Л.Мамаражабов

